



- Буюк бобомизга муносиб эҳтиром
- Достонларнинг моҳир куйчиси
- Араб насрининг атоқли вакили
- Мусаввир мўйқала-ми сеҳри

БУЮК БОБОКАЛОНИМИЗ, машҳур давлат арбоби ва шоир, саркарда ва олим, жаҳонда энг катта сулолалардан бўлиши бобурилар сулоласининг асосчиси Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллигига оқ фурсат қолди. 1983 йилда Бобур Мирзонинг 500 йиллик туғилган бўлмаган ҳисоб, аниқроғи ўтгану бирок илм-жамиятда ўтган, биров билб, биров билмаган.

Кўпнинг кенгашига

БОБУРНИ БОШИМИЗДА ТУТАЙЛИК

Чет элларда бобуриларга қизиқиш азалдан катта — уларнинг даври, ҳаёти ва ижоди чуқур ва ҳар томонлама тадқиқ этилган ва бу иш ҳали ҳам давом этмоқда. Хорижда Бобур ва унинг авлодлари бугун эътибор, чиққан адабиётлари кўриб, ҳам ҳануз уларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида хурмат-эътиборнинг зурлигини сезиб, унинг шундай буюк ҳаётини исбатлашга ҳурмат-эътиборнинг зурлигини сезиб, унинг шундай буюк ҳаётини исбатлашга ҳурмат-эътиборнинг зурлигини сезиб, унинг шундай буюк ҳаётини исбатлашга ҳурмат-эътиборнинг зурлигини сезиб...

Юришлари керак эди. Таассуфлар бўлганимиз, 1—2 та ҳолини айтмаганда, бу борада ишлар кўнгилдагидек эмас. Шу муносабат билан қуйидагиларни тақлиф этамиз:

1993 йил Ўзбекистонда **БОБУР** йили деб эълон қилинади; Бобур номидаги халқаро мукофот таъсис этилади.

Юбилей тантаналарини ҳозирги йилинг иқтисодий шароити ҳисобга олган ҳолда, ортинча дабабасиз, бекорчи сарф-харajatларсиз ўтказиш керак. Илм давомида матбуотимизда Бобур ҳақида мақолалар бериб борилади, янги китоблар нашр этилади, Бобур асарларининг янги нашрлари чоп этилади, ўнлаб юрларда меҳнат жамоаларида бобуринос олимлар билан урчушулар ўтказилади, радио, телевидение ўз эшигини ва кўрсатувларини таярқайди, Бобурнинг янги газалларига куйлар басталанади. Ўзинингча, юбилей тантаналари январь—февраль ойида Бобурнинг ватани Андижонда илмий-амалий анжуман билан бошланади, йил охирида Тошкентда шундай катта анжуман билан якунланади, мақсадга мувофиқ бўлади. Мақор тадбирлар Бобур ҳаёти, ижоди ва даврини ўрганишда кучли туртки бўлиши аниқдир.

Бобур номидаги халқаро мукофот ҳар йилида бир марта бир чет эллик ва икки ўзбекистонлик фуқарога берилса, маъқул бўлса керак. Бу мукофотни фақат адабиёт билан чеклаб қўймаслик керакка ўхшайди. Бобур даври, ҳаёти ва ижодини чуқур тадқиқ қилган, фаол омаллаштирган тарихчи, адабиётчи ёки тилчи, Бобур ҳақида элга манзур асар яратган шоир ё адиб шу мукофотга сазовор бўлиши мумкин.

Ҳечдан кўра кеч, дейди халқимиз. Ушбу тадбирлардан мақсад битта — маънавий қадриятларимизни халқимизга қайтариш, аждодлар руҳини шод этишдир.

Аксериддин ИВРОҲИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Журналистлар уюшмасининг аъзоси, шарҳуносу.

○ **ПУЛКАН ШОИР** достончилигида Фозил Йўлдош ўғли, Эргаш Жуманбулул ўғли, Ислом шоир Назар ўғли каби донгдор бахшлар қаторига ўзига хос мактаб яратган истеъдодли бахшларимиздан бири. У мўтабабар эътибор ижодий йўли ҳақида Ўзбекистон Республикаси, Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги адабиёт институтининг етакчи илмий ходими, филология фанлари доктори Комил Имомов билан суҳбатлашди.

Балки, туркий халқлар, Озарбайжон, Туркманистон, қозоқ, татар, бошқирд халқлари ўртасида ҳам кенг ёйилган, севиб куйланган. Ўзбек Гурўлиси туркий достонларини ўз ичига олади. Аниқроғи, Гурўли туркумидаги достонлар кирқат дostonдан ташкил топган. Шоир ана шу достонларнинг, кўпини билган ва халқ ўртасида завоқ-шавоқ билан куйлаб келган. Пулкан шоир Эргаш Жуманбулул ўғли, Фозил шоирлар билан бир даврда ашаб ўтди. Унинг ижодида Эргаш шоир, қолаверса Кургон достончилик мактабининг таъсири сезиларлидир. Шунинг учун ҳам баҳши куйлаган достонлар лирик оҳангдорлиги, бадий тасвир воситаларига бойлиги, сюжет ва образларнинг аниқ ва тўлиқ куйланиши, руҳий ҳолат — кечини-маларнинг юксак бадий шаклларида тасвирланиши билан ажралиб туради.

«Гурўлининг тугилиши» ҳамда «Юнус пар» достонларининг эпик кўлами ва бош қаҳрамонларнинг пахлавоисифат таърифланишида Фозил шоир мактабининг таъсири ҳам сезилиб туради. Бу нарса пахлавоининг тугилиши, синово лавҳалари ҳамда «Титан» — полвои, пахлавоинлар билан кураш ва жанг эпизодларида кўзга ташланади. Баҳши ижоди фольклоршунос олимлар томонидан чуқур ва атрофлича ўрганилмоқда.

Пулкан шоирдан кўплай достон, терма ва кўшиқлар ёзиб олинган. Шулардан «Гурўлининг тугилиши», «Гурўли», «Чамбил қамали», «Гулнор пар», «Хуршидо», «Аваз пар», «Мисқол пар», «Юнус пар», «Хиломон сингари қатор достонлар чоп этилган.

Бу достонлар ўқувчилар онда тўғрилиқ, адолат, дўстлик, инсонпарварлик каби кўнмакларни тарбиялайди, қолаверса, улар миллий маданият тарихини ўрганишда аҳамиятли манба асосини ҳам ўтади.

Сўзбашдош Музаффар ТУРОВОВ.

Пулкан шоирнинг 120 йиллиги олдидан

ДОСТОНЧИНИНГ ДОВРУҒИ

— Комил ака, ўзбек бахшчилигида Пулканнинг йўли ҳақида нималар дея оласиз?

— Муҳаммадул Жоммурод ўғли Пулкан ижодкор сифатида танилган, кенг қамровли, жуда кўп анъанавий достонларни ёд биллиб, куйлаб келган бахшидир. У 70 га яқин ўзбек халқ достонларини марақ билан айтган.

Баҳши 1874 йилда Самарқанд вилояти Хатирчи районининг Қатагон қишлоғида туғилиб, воқога етган. Унинг биринчи устози сўзга чечан шоир Жасоқ бахши эди. Шунингдек, у Бўрон бахши, Ерлаббек бахшилардан ҳам достон куйлаш маҳоратини ўрганган. Бахши ижро этган достонлар жанр ва мазмуни жиҳатдан турлича бўлиб, ибтидоий халқ ҳаёти, урф-одати, дунёқараши, дўстлик ва тинчлик ҳақидаги образларни ўз ифодасини топган. Пулкан «Аллоҳнинг», «Ернинг», «Шайбонийxon», «Зайди-хон», «Аунтуғмиш», «Тугилиши», «Гурўлининг тугилиши», «Эрназархон», «Юнус пар», «Мисқол пар», «Гулнор пар», «Авазхон», «Ҳасанхон», «Бутақуз» сингари қаҳрамон-



Ўзбекистон Расомлар уюшмасининг кўргазмаларида тошкентлик турт мусаввир кўргазмаси очилди. СУРАТДА: асарлари кўргазмага қўйилган мусаввирлардан бири Муҳаммад Нурриднов ўз режалари билан ўртоқлашмоқда. Рустам Шагаев (ўЗА) сурати.

XX АСР ОВОЗИ

БОШОҚЛАР

Бугдойзорнинг нақ ўртасида, Кўзим ёниб турибман, ўртоқ, Фаллоҳларга ўхшаб кўринар, Шовдираган ҳар битта бошоқ.

Бугдойнинг ҳам қисмати ажиб, Қайғуларга ботган кул мисол: Зулул тортар, куйиб ҳиссида, Сувсизликдан бўшлиб дол-тол.

Ушбу дам сенга манадир, Қадрдоним, тингла Исмон! Хужаг сендан ҳақ талаб қилар, Бисотида бойлиги мил-мил.

Сўнги доғни бергандинг унга, Не қилдурган, қўлларинг калта. Энди орзу-улдириштига, Ҳоҳил хужаг урамак болта.

У бой жуда, удир хужирон, Иноаткор қўлларга билсанг, У дунёга боқар оч кўз-ла, Кутининг ҳам ер агар кўлсанг.

У буюрса — сен ҳам кўрбонсан, Тингламайди ҳеч қимнинг зорин. Сени талаб, умринг ўради, Ўрган каби у бугдойзорин.

Аҳмад ШАВҚИИ.

НИЛ

Орзуларнинг ширин таъминиде, Унинг суви бизга бебаҳо. Худди жаннат кучоғи каби Соҳиллари яшир беадо. Сулуз қиздек, тўлганар яйраб, Афсонавий жангидек бардам. Ойнадек тиниқ синаи зура Нурлар қақнаб синади ҳар дам. Деңиз каби оқар оҳиста,

Ирмоқлардан тўлишиб бағри. Иносини ҳам, гулу гийҳин Тўйдирди қудратли наҳрин. У — бугдойнинг бошогиди бор, У — оқ пахта, эгинидада бут. Иқбодини, у — ўлмас оқим, Қувончимиз ҳам баракан кут! Саховатни улашмоқ керак! — Унинг умри қонуни — ҳаёт, Барчага у одиллик қилар, Барчага у улашар нажот Унинг учун бой, камбағал йўқ, Мажлиҳида элитар ҳосил. Бугун ўрсанг — эрта улуг сен! Улашгани эзгулик нуқул, У абадий йўлда бедордир, Қўсанг агар жимгина гўё. Қўдратига чек йўқ аслида Асли сукут унгадир рўё. Сал безовта қилсанг мабобо, Қўриради, тошадди тўқин, Елдор арслон каби ўқириб Қирғоқлардан ошадди тўқин, Майли, лойқа ё тиниқ бўлсин, У жаннат даре, шунин бил: У муқаддас, сувлари асал, Бизнинг валиеъматимиз Нил!

ХОРИЖИЙ ТАЪСИРДАН МИЛЛИЙЛИККА


МИСР киноси тарихини расмий равишда 1927 йилнинг 16 ноябидан сарҳисоб этишга оdatланганлар. Ушанда, XX аср бошларидан буюн француз, немис, америка фильмлари билан тўлиб кетган кинотеатрларда режиссёр Аҳмад Геланининг «Лайли» фильми намойиш этилган ва мазкур сувсиз асар Миср киносида инқилобий ўзгариш ясаган эди. Дастлабки даврларда асосий эътибор машҳур кўшиқчилар иштирокидаги фильмларга қаратилган бўлса, 30-йиллар охири — 40-йиллар бошларида ҳукумат томонидан кино санъатини хорижий таъсирдан қутқариш, миллийликни олдинги қаторга олиб чиқиш юзасидан қатор ижобий ислохотлар ўтказилди.

40-йилларда, айниқса, маҳаллий режиссёрлар муҳим ижтимоий масалаларни кўтаришга ҳаракат қилдилар. Мисол учун, режиссёр Аҳмад Камол Мурси ўзининг «Ишчи» фильмида ишчилик муомаласини ёритишга интилган бўлса, Генри Баррекатнинг «Отанинг гуноҳи» фильмида айёлларнинг жамиятдаги ҳуқуқсизлиги, қишлоқ аҳолисининг оғир турмуши масалалари кўтарилди.

Миср киносининг тараққий топишига, айниқса, Кинематографияни ривожлантириш ва мустақамлаш миллий ташкилоти катта ҳисса қўшди. Унинг раҳбари режиссёр Аҳмад Бадрхоннинг сая-ҳаракатлари

ўлароқ 50-йилларда ҳар бир шаҳар-қишлоқда кино тарғиботи бўлимлари ташкил этилди. 1956 йилда эса миллий кинематографияни ҳимоя қилиш мақсадида мамлакат раҳбарияти, барча кинотеатрларда

Ҳафтага камиди икки марта Миср киноси намуналаридан намойиш этиш ҳақида фармон чиқарди Қоҳирада кино санъати институти очилди. 60-йилларда Мисрда кино, радио ва телевидение бош бошқар-



Лев Глауберзон сурати.

Фажми каби режиссёрлар, Фарид Шауки, Эмад Хамзи, Нур аш Шариф, Савд Зулфиқор, Шодия Лафта, Савд Хусни, Надия Муғфи каби актёр ва актрисалар билан фахрландилар.

Бугунги мамлакатда «Миср», «Ал-Ахром», «Ан-Нил», «Исраилян» каби қатор киноустудиялар фаолият кўрсатмоқда. 1963 йилдан буюн мунтазам равишда чиқаришга «Ас-Синия» ижтимоий-сиёсий воқеалар, миллий кинонинг ўзига хос тарғиботчилиги айланган.

Шухрат АРМОИ, СУРАТДА: мисрлик киноусталари томонидан ишланган «Усмиллар хатоси» фильмидан лавҳа; машҳур киноантриса Фатин Фарн.

Қадимий китоблар саҳифаларида

«ҒАРОЙИБ МАРЖОН»

○ Урта асрлар араб насрининг атоқли вакили Ибн Абд Раббихий ва унинг «Ғаройиб маржон» китоби Мисрда ҳозир ҳам севиб ўқиладиган ҳикоятлар тўпламидан биридир. Муаллиф ўз китобига ақду нисоф, диёнат, вафодорлик, одамийликни улуғлайди, саҳийларга раҳмат-

лар ёғдиради, нокас ва ёвузларга лаънат тошлари отади. Эзагулини улуғлагани учун ҳам ушбу китобнинг йилдан бери қўлдан тушмай ўқилипти?

Қўйда шу китобга кирган бир нечта ҳикоятларини ўқиниз.

— Уст-бошининг ҳам еч, — деди бадавэй. Қўфалик сарқор унинг кийимларини олиб, деди: — Пойабзалчинг ҳам еч. Қўфаликнинг оғида тонфлик қосиблар тиккан яп-янги бошоқ бор эди У ялинди: — Худодан кўрқ, эй биродар, ҳеч бўлмаса бошмоғимни қолдир. Қўфларда оғим куймасин. Бадавэй оқ тираб туриб олди: — Йўқ, бошмоғини еч! Қўфалик сарқор бир пой бошмоғини ечди. Шу онда у иккинчи пойи кўнжида ханжар яширинганини эслаб қолди. У иккинчи пойи ҳам ечди. Билдирмай ханжарини олди-да, уни бадавэйнинг юрагига санчиб, «хитоб қилди: — Беш қўлни бараваер оғизга тикқан, бордан ҳам айрилар! Ушбу сўзлар кейинчалик мақолга айланиб кетди.

ҲИММАТ

МИСР ноиб Язид ибн Хатимга бағишлаб шоир Рабиа қасида битди. Лекин зарур юмушлар билан банд ноиб шоирни тақдирламади. Бундан ранжиган шоир Рабиа икки қатор шеръ ёзди:

Аллоҳга ҳеч гапим йўқ, лек миссида шаҳри Мисрдан, Ҳўйини бошмоғида кетдим — ибн Хатимни мабрудан.

Кейин Мисрдан жўнаб кетди. Язидга бу байт етиб борди. У дарҳол-шоирни қайтаришни буюрди. Рабиадан йўлдан қайтариб келдилар. Номб ундан сўради:

— Ушбу байтни сен ёздиганми?

— Ҳа, — деди Рабиа.

— Бошқа ҳеч нимма демасдингми мен ҳақимда?

— Йўқ.

— Аллоҳ ном билан қасам ичаманки сен Хунайн бошмоғи билан кетсан, фақат ичи тўла олтин бўлади.

У шоирнинг бошмоғини ечиб, уни олтинга тўлдирини буюрди.

Ҳолби МИРЗО таржималари.

Ажойиботлар қомуси НЕЧТА ПЕЛЕ БОР?

ҲАММА бу саволга оддийгина қилиб «Битта Пеле бор» деб жавоб беради. Чиндан ҳам «кирол» деб ном олган Пеле Бразилиянинг фахри, жаҳон футболининг сўмас колдузидир. Лекин, азиз муштарин, бу гал фалакитчи олимларнинг Пелени излаб осмонни тит-пик қилганликлари ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз. Демак, ердан юдуд эмас, осмондаги юдуд ҳақида сўзлаймиз. Демак биз, сайёраларнинг айрим ўзига хосликларини, уларнинг йўлдошлари ва ниҳоят фалакитчиликларини Пеле «лашши учун» қулай жой қаредалигини толгани ҳақида баҳс юртамиз.

Аслида қаҳрамонимиз Пеле ким ўзи? У машҳур футбол кўриқли эмас. Пелега таъайинлар мифологиясида олов ва вулконлар худосидир. Гавайликлар у яшайдиган жойини осмонга аниқлашлар. Пеле грекларнинг Гефест, Вулкон каби илоҳларига ўхшаб, ҳаракатдаги вулконларда яшайди.

Геологларнинг таъкидлашича, бутун Ғаройиботлар инқолатда кўплай вулконлар отилиши туфайли деңиз тубидан ўсиб чиққан энг Албатта бирдан эмас, 5—10 миллион йиллар давомида. Ҳозир ҳам оғирда ҳаракатдаги вулконлар бу талай. Гавайликлар Пеле турли вулконларда яшайдиган деб ҳисоблашади. Ҳозир эса у Ки-лауза номли катта вулконда мағоз туган экан. Агар бошқа вулкон кучлироқ гун-бурласа Пеле ўша ёққа ўтар экан. Тўполончи, ором билмас маъбуд шу тарихи кўчиб юрсаверар экан.

Фалакдаги катта-кичик сайёраларни қадим мифлар, ривоятлар қаҳрамонлари номи билан аташ эски одат. Пелени қаерда рўйхатдан ўтказиш керак? Балки Меркурийдаги Жазирама деңизига Пеле номини берса бўлар! Ахир у ердан ҳароратни ҳатто куллардан орзу қилишадик-ку! Балки Зухра — Венеранинг кўнгири — қизғиш оловранг осмони Пелега қулайдир. Бу масалада улкан сайёралар ҳисобдан ташқари. Чунки уларнинг юзаси жуда ҳам юшмоқ. Вулконлар асосан иссиқлик тўпланиш манбаи эканини ҳисобга олсак кўпгина сайёраларда бу хусусият йўқлиги ҳафсалани пир қилмади.

Кейинги йиллардаги текшириш Мерсда ниҳоятда кўп вулконлар борлигини далиллат бермоқда. Ундаги Олимп тоғининг баландлиги 27 километрге етди. Ҳатто кўплай вулкон портлашларининг лаб шундақина кўриниб турибди. Лекин Мерсдаги қадим вулконлар девяри сўнган.

Зухрода ҳам кўпдан-кўп вулконлар борлигига шубҳа йўқ. Лекин фалакитчи олимлар излаб биронта тузулроқ, қудратлироқ вулкон тополмадилар. Ниҳоят «Вождер» космик қурilmаси олган аурталарга қараб, Зухал юлдузининг йўлдошларидан бири Йонинг қаберки юзасини аниқлаш мумкин бўлди. Узоқ текширишлар, ВХМларнинг аниқ ҳисоб-китобларига асосан Иода биринчи ҳаракатдаги фазовий вулкон бор деган хулосага келишди.

Зухалдаги ҳарорат — 150°С бўлгани ҳолда унинг йўлдоши Иодаги ҳарорат +17°С бўлиши гафрий табиий, фантастик ҳолатдир! Нақ у вулконлар ва оловлар худоси Пелебоп эмасмикин!

Худдан шундай бўлди. Биринчи фазодаги ҳаракатлардаги вулкон Пеле деб аталади. Иода бошқа маъбудлар ҳам бор экан: гуржинларнинг қуш худаси Багар, қадим скандинавияликларнинг макор олов маъбудаси Локилар ҳам биттадан вулконни «эгаллаб» олишди.

Энди ерданг Пелега қайтамиз. Эдуардо ду Насменту-ма, машҳур футболчиға неға Пеле номи берилганиға энди тушунадиганми? Ахир у ҳам ишга майдонда вулкондек хужумга ўтар, юрағида олов бордек ёниб югурарми.

Учунан биз бахтликимиз: осмонимизда ҳам Пеле бор, ерда ҳам. Фарқи битта: ердаги Пеле сунганидан, янги футбол ўйнамай қўйганидан ҳафамиз. Осмондаги Пеле ўйонинишдан, кўрдикми.

Толғиб САДУЛЛАЕВ таярқайди.

— Авазламбор, институтнинг 60 йиллик тўйи муборак бўлсин. Ушбу тиббий илм масканининг ташкил этилиш тарихи ва бугунги ҳусусида сўзлаб берсангиз.

О. А. Раҳимжонов: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли бизнинг Тошкент шифокорлар малакасини ошириш институтимиз, яъни аввалги Урта Осиё шифокорлар малакасини ошириш институтининг ҳуқуқат фармойишига биноан 1932 йилнинг 22 июнида ташкил этилди. Бу дарор нағизда Урта Осиё республикаларида фаолият кўрсатётган шифокорларнинг малакасини ошириш ва халқимизга тиббиёт хизмати тўқонлаштириш мақсади этарди. Институтимизда шифокорларнинг малакасини ошириш илк бор 1933 йилдан бошланди. Унинг дастлабки битирувчилари 87 кишини ташкил этган. Унинг ташкил бўлиши ва ривожига профессорлар П. Архангельский, Я. Бруский, Н. Богораз, П. Эмдин, А. Стекольников, М. Парзодков, Ш. Алимов, Я. Гордон, Х. Муродова, А. Мансуров, Г. Сулаймонов, Н. Шоматов каби ўз бурчларига садоқатли му-

* Тошкент шифокорлар малакасини ошириш институти—60 йида

ФАОЛИЯТИ КЕНГ ТИББИЙ МАСКАН

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Тошкент шифокорлар малакасини ошириш институти ташкил этилганига 60 йил тўлди. Шу муносабат билан мухбиримиз институт ректори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси,



тиббиёт фанлари доктори, профессор Абдулманин Раҳимжонов ҳамда институтнинг ўқув ишлари бўйича проректори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Акрон Фозилова бир неча саволлар билан мурожаат қилди.

А. Келонхўжаев, М. Маҳкамова, Ш. Шомансуров каби йирик профессор - олимларимизнинг номларини ҳурмат билан эслаш ўтмоқчиман. Фақат кейинги 10 йилда уларнинг меҳнати туфайли институт ходимлари томонидан 21 докторлик ва 91 номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди, 79 аспирант ва 328 клиник-ординаторлар олимларимиз қўл остида ўқиб ўрганиб, мохир тиббиёт олимлари бўлиб етишиб чиқдилар. 1982 йилдан 1992 йилгача ходимларимиз томонидан 1170 илмий мақола, шу жумладан 80 та монография чоп этилди.

О. А. Фозилова: Шунинг учун билан айтиб ўтиш керакки, институтимиз ишлари билан дунёнинг кўп мамлакатларидан келиб танишиб, тиббиётнинг турли муаммолари бўйича биргаликда катта анжуман йиғилишлар ўтказмоқда. Буларда албатта, институт ходимлари билан биргаликда бизнинг илм масканимизга ўқигача жалб қилинган шифокорлар ҳам фаол иштирок этадилар. Масалан, институтнинг етук кафедраларидан бири — онкология ва тиббий таълим кўриши кафедрасининг жаҳон ультратовуш мутахассислари биринчилар каторида тан олган. Бу кафедра республикамизда ушбу фанни амалиётга тадбиқ этишда катта ҳисса қўшди. Касалликни аниқлашда замонавий ультратовуш аппаратлари билан бир қаторда эндоскопик, морфологик усуллар кенг қўлланиб келинмоқда. Ушбу кафедрада Ўзбекистон шифокорлари билан бир қаторда Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон Республикаларидан, Россиянинг бир қанча йирик шаҳарларидан келган мутахассислар ўз малакаларини ошироқдалар. Ҳозирги кунда Покистон, Ҳиндистон, Саудия Арабистони каби кўпгина Шарқ давлатларининг мутахассислари ўз билимларини ана шу кафедра меҳтабиде мустақамлаш истагини билдиришмоқдалар.

— Институтнинг келажакдаги режалари нимадан иборат? О. А. Фозилова: Бу борада биз махсус тизим ишлаб чиққанмиз. Буларда мутахассис-шифокор, оилавий шифокорларни тайёрлаш, хизмат вази-аждан бутунлай ёки қисман ажралган ҳолда шифокорлик маҳоратини ошириш назарда тутилган. Шунингдек, олий таълимдаги шифокорларни тайёрлаш, шифокорларнинг малакасини ошириш ва ихтисослаштириш ҳамда илмий-педагогик ходимларни тайёрлаш ҳам бизнинг вазифамизга кирди. Ушбу тизимлар халқимиз саломатлигини муҳофазат этиш билан бирга шифокорлар учун ўз малакаларини оширишга кенг имконият яратди. Улайимки, бу масалаларни ҳал қилишда институтимизнинг берча ходимлари ўз билимлари, куч ва имкониятларини аямалдиладар. Чунки халқнинг саломатлигини сақлашга қаратилган ҳар қандай ма-шаққатли меҳнати институтимиз ходимлари ўзларининг шарафли бурчлари деб била-дилар.

Сухбатдош Абдулмалик АБДУРАҲИМОВ.

О. СУРАТЛАРДА: ўзининг 60 йиллик тўйини нишонлаётган Тошкент шифокорлар малакасини ошириш институти ҳаётидан лавҳалар.

Юрий Учеваткин суратлари.

ТИЖОРAT ЖАБРАЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

КИЧИК КОРХОНА ОЧИШНИ ИСТАЙСИЗМИ?

Кичик ва хусусий корхона, масъулияти чекланган ташкилотларни очиб қўйиш ва шахсий ишнингизни бошлашни истайсизми? Унда бу борада бизга таъна-сангиз ҳеч қандай муаммолар йўқ, деб ҳисоблай-веринг. Бизнинг ёрдамимизда бир ҳафта ичида ҳуж-жатларни тайёрлаб фирмангизни бемалол рўйхат-дан ўтказиб ишнингизни бошлайтиришни мумкин. Шунингдек, қўшма корхоналар ташкил этиш юза-сидан ҳам ҳамма ҳужжатларни тайёрлаб, рўйхатдан ўтказиш бўйича турли хил маслаҳатлар ҳам бера-миз. Фақат 66-09-40 телефонига қўнғироқ қилсан-гиз бас!

«АЛПОМИШ» (ЮБИЛЕЙ) спорт саройида 15, 16, 17 январь Соат 13.00, 17.00

ЯНГИ ЙИЛ ТОМОШАЛАРИ

«ОБИД-А»

қизиқчилар театрининг қатнашчилари: ОБИД АСОМОВ, БОТИР МУҲАММАДХУЖАЕВ, СОБИТ АСОМОВ, УТКИР МУҲАММАДХУЖАЕВ, ШУКУРИЛЛО ИСРОИЛОВ ва «ЯЛЛА» ансамбли ҳавола этилади. Тошкент РАҲМАТИЛЛА МИРЗАЕВ олоб боради. Чипталар «АЛПОМИШ» (ЮБИЛЕЙ) спорт саройининг касаларида сотилади. Спорт саройига метронинг «БЕРУНИ» бекати-ча борлади. Мурожаат учун телефонлар: 56-76-97, 56-85-76.

РОССИЯДА ҚАРЗДОРЛАРИ БЎЛГАН ЎЗБЕКИСТОН КОРХОНАЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Нижний Новгород шаҳрининг АвтоГАЗбанкдаги бизнинг қарзларимизни тўлаганингиз тақдирда Ўзбекистон республикаси «ГАЗ» автомақкази зуд-лик билан Сизнинг биздаги қарзингизни узати.

Манзилимиз: 702009, Тошкент вилояти, Тошкент райони, Ҳасанбой қишлоғи, Ҳалқа йўлининг 21-ки-лометри. ТЕЛЕФОН: 31-01-10.

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академияси

Г. С. ЗАЙЦЕВ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ҒУЗА СЕЛЕКЦИЯСИ ВА УРУҒЧИЛИГИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

Ғуза уруғшунослиги лабораторияси мудири (фан доктори ёки номзоди) бўш лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов мuddати — эълон чиққан кундан бошлаб 10 кун. Ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилсин: 702147, Тошкент вилояти, Қибрай райони, «Салар» алоқа бўлими, Ўзбекистон Ғуза селекцияси ва уруғ-чилиги илмий-тадқиқот институти.


Ташкилотлар, корхоналар ва кооперативларнинг раҳбарлари диққатига! «ШАРҚ» НАШРИЕТ МАТБАА КОНЦЕРНИ идора китоблари, ҳар хил ён дафтарчалар, китобча ҳолига келтирилган босма иш қоғозлари, конспектлар ёзиш учун дафтарлар ва бошқа қо-ғоз маҳсулотларини

Тошкент шаҳар Яқсас-рой район ҳокимининг иж-роия маҳкамаси ҳоким Уринбосари Т. В. Сайфул-лаевага оғеси Мўғтабар Ваҳобовна КОМИЛОВАНИНГ вафот этганилиги муносаба-ти билан чуқур таъзия из-ҳор қилади.

Ҳамза номидagi Ўзбек давлат академик драма те-атри жамоаси Ўзбекистон-да хизмат кўрсатган ар-тист Эркин Комиловга умр йўлдоши Мўғтабархон КОМИЛОВАНИНГ вафот этганилиги муносаба-ти билан чуқур таъзия из-ҳор қилади.

Тошкент шаҳар ишлаб чиқариш-тайёрлов корхоу-аси жамоаси касаба уюш-маси кўмитасининг раис-и Э. М. Аҳмедовга оғеси Мўғтабар АХМЕДОВАНИНГ вафот этганилиги муносаба-ти билан чуқур таъзия из-ҳор қилади.

Эълонлар ва тижорат хабарлари йилик ва тўғрилиги учун жаообгарлиги уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилиги концернининг босмахонаси.



тахассислар ҳам фаолият кўрсатганлар. Уларнинг ёш шифокорларни назарий ва амалий билим олишларида, тажрибларини оширишда ҳисса-лари бениҳоя каттадир. Шу кунларга қадар институтга бир қанча етук олимлар раҳбарлик қилиб келишди. Булар М. Сло-нини, И. Игрон, М. Видуцкий, Д. Пулатов, М. Султнов, З. Далимов, М. Мирзамухамедов, К. Заиров, Х. Қўсановлардир.

О. А. Фозилова: Институтимиз ўтган 60 йиллик даврда катта ўқув ва илм даргоҳига айланди. Унинг тарихида бугунги кунда уч факультет, ик-ки касалликлар, болалар зах-талликлари ва жарроҳлик фа-культетлари бўлиб, улар қи-сда 42 кафедра ва 7 курс фа-олият кўрсатмоқда. Улардан 297 нафари профессор-ўқи-тувчилар гуруҳини ташкил эт-ди. 42 таси тиббиёт фанлари доктори, 117 таси эса тиббиёт фанлари номзодларидир. Ҳо-димлар орасида Улуу Ватан уруши иштирокчилари ва Аф-ғонистон урушида қатнашган-лар ҳам фаол хизмат қилиб келмоқдалар.

— Институт жамоаси ўқиш-ўқитиш ишларида қандай му-ваффақиятларга эришмоқда? О. А. Раҳимжонов: Институ-тимизда кейинги 10 йил ичида шифокорлар малакасини оши-риш борасида кўзга кўринар-ли кўрсаткичларга эришилди. Масалан, 1982 йилдан 1990




йилгача ҳар йили 5—7 минг шифокор ўз малакасини ошир-ган бўлса, 1991 йилда эса бу кўрсаткич 8 мингдан ошиб кетди. Ҳозирги вақтда малака-сини оширатган шифокорлар тиббиётнинг 60 йўналиши бў-йича институтимизда ўз мала-каларини ошироқдалар. Инсти-тут профессор-ўқитувчилари вилоят даволаш-профилактика му-ассасалари шифокорларини ўз иш жойларида хизматдан ажралмаган ҳолда ўқитиб, уларнинг малакасини ошириш давом этиб келинмоқда. Ут-ган 30 йил ичида республика-микнинг турли вилоятларига профессор-ўқитувчилари и н 610 марта сафари бўлди ва бунда 18 минг 506 нафар ши-

фокорнинг малакасини оши-ришга эришилди. 1964 йилдан 1992 йилгача институтимиз Тошкент шаҳрида жойлашган 13 та йирик илмий текшириш муассасаларида ва учта олий ўқу юртида шифокорларимиз малакасини оширишда махсус курслар ташкил этди. Шунинг-дек, ўқиш-ўқитиш услублари-ни мукамаллаштирган ҳол-да бошқарув ишларини олиб бормоқда. О. А. Фозилова: Ҳозирги кунларда институт ходимлари ўз ишларининг самардорли-гини ошириш учун тимай ҳа-ракат қилаётдилар. Бу борада профессор-ўқитувчилар ўз фаолиятларини тубдан кўриб чиқибгина қолмай, вақт тала-биде асосида республика хо-лисисини касаллигини сабаб-ларини ўрганиб, шифокорларнинг хоҳишларини қиноватга олган ҳолда ўқиш-ўқитиш режа ва дастурларини қайтадан ишлаб

«ИСТАМБУЛ» ГА КЕЛСАНГИЗ АГАР

ҲОЗИРГИ пайтда қўшма корхоналар очиб деган гап унчалик янгилик бўлмай қолди. Чунки республикамиз мустақил-ликка эришгач ва жаҳондаги кўп-ла мамлакатлар билан турли соҳаларда ҳам-корлик алоқаларини йўлга қўйгач шун-дай корхоналарни ташкил этиш ишлари кўлами авж олиб кетди. Дарҳақиқат бун-дай қўшма корхоналар аксарият ҳол-ларда ишлаб чиқариш соҳаларида таш-кил этилган. Лекин биз бу гал Сизга ҳикоя қилиб бермоқчи бўлган корхона-чидан ҳам янгиликдир: савдо соҳасида-ги дастлабки шундай қалдирғоч — «И-стамбул» дўконини кунча ўз эшикларини тошкентликлар ва шаҳримиз ме-ҳмонларига очди. Ҳўш, бу савдо корхонасида қандай маҳсулотлар сотилади, бу маҳсулотлар-ни бу ерга кимлар келтириб беради? Ушбу савол ҳаммамизни қизиқтириши турган гап. Шунинг айтиш керакки, «И-стамбул»ни маҳсулот билан таъминлай-диган корхоналар орасида Тошкентдаги «Миконд», «Ору», «Ташинтерм» корхо-налари, шунингдек Туркиянинг «Рам», «Жемра» фирмалари бор. Биз янги дўкон директорининг Урин-босари М. Мақсудов билан сўхбатлаш-дик.

Мураккаб рўзгор техникаси маҳсулотлар-ни билан савдо қилинади. Ушбу дўконнинг қўлай жойга жой-лашганилигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Метронинг «Чилонзор» бе-катидан унчалик узоқ бўлмаган ерда жойлашган бу дўконнинг умумий сатҳи 500 квадрат метрни ташкил этади. Бу ерда барча шароитлар яратилган, сотув-чиларнинг дам оладиган хоналари, меҳ-монларни кўтиб оладиган хоналар мав-жуд. Савдо жиҳозлари эса яқна тартиб-даги буюртма асосида тайёрланган. Ки-йим-кечакларни намойиш қиладиганлар айниқса зебо ва ғўзал. — Ушбу қўшма савдо корхонаси биз-нинг ўзига хос филлиамиз ҳисоблана-ди. — дейди Марказий универсал дўко-нининг директори Ҳ. Р. Шарипов. — У бозорни халқ истеъмол буюмлари билан тўқин қилиш йўлида янчилик билан олиб бораётган ишларимизнинг самара-сидир. Турк фирмаси билан Узаро манфа-атли асосларда маҳсулотларни айирбо-лаш бўйича имзоланган шартнома бун-га асос бўлди. Бу шартнома асосида хо-зирга қадар биз 37 миллион сўмлик маҳ-сулот олишга эришилди. Туркия билан турли соҳаларда муно-сабатларни ривожлантиришга Ўзбеки-стон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ушбу кўпини давлатга таши-рифи чоғида пойдевор қўйилди. Энди-ликда узаро манфаатли асослардаги бундай ҳамкорлик кўпгина соҳаларда — иқтисодиёт, савдо, маданият ва тадбир-корликда кўзга яққол ташланмоқда. «Истамбул» дўконининг ўз фаолиятини бошлаши ана шу фикримизга ёрқин бир далилдир. Савд ВОВОЕВ. СУРАТЛАРДА: янги очилган «Иста-мбул» дўконда. Рустам Шарипов суратлари.



Фойдали АМАЛИЙ МУЛОҚОТ

ХАЛҚ таълими хо-димлари малакасини ошириш марказий ин-ститутида биология фанини ўқитишни та-комиллаштиришга қар-атилган маърифий тадбирлар ҳам амалга ошириб келинмоқда. Бундай илгор усул тақрибларини институтининг биология фанидан ч у қ у р л а ш т ирилган синфлар ўқитувчилари учун очилган бир ойл-ик курс машгулотла-ри орқали ҳам омма-лаштирилмоқда. Курснинг навбатда-ги амалий машгулоти бевосита савол-жавоб ва ўзаро мулоқотга бағишланди. Ушбу кунини Ўзбекистон Респуб-ликаси Фанлар академия-сини ўқитувчилар экспе-риментал биология ин-ститути олимлари тингловчилар меҳмони бўдилар. Учрашувда илмий муассаса дирек-тори, академик О. Жа-лилов берилган савол-ларга атрофлича жа-воб берди. Тингловчилар бу йи-рик тадқиқот ўчоғи ил-мий ютуқлари ҳақида-ги маълумотлардан ҳам воқиф бўлдилар. Алшмер АХМЕДОВ. Мухаррар Эркин ЭРНАЗАРОВ.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 32-53-76, хатлар — 33-29-70, 32-53-79; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича 32-81-42, 32-55-34, 33-56-67. МУАССИСЛАР: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси. МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй. Шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кунини ўзбек тилида чиқади. Эълонлар ва тижорат хабарлари йилик ва тўғрилиги учун жаообгарлиги уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилиги концернининг босмахонаси.